



## ЭКСТРЕМИЗМ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

**Каримов Ифтихор Ибрагимович**

Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тергов фаолияти кафедраси

катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166544>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

*Экстремизм, экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги қонун, терроризм, экстремал қарашлар, сиёсий экстремизм, диний экстремизм.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада экстремизм тушунчаси, олимларнинг ушбу атама юзасидан турли хил ёндошувлари ва экстремизмнинг маъноси давлатларнинг қонунчилигида турлича акс эттирилиши ва бунинг натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ноаниқликлар келиб чиқаётганлиги ёритилиб, олимларнинг қарашлари билан илмий мунозарага киришган ҳолда экстремизм тушунчасига илмий таъриф ишлаб чиқилди.*

Экстремизм халқаро майдонда жиддий хавфга айланиб, аҳоли ўртасида кўрқув, беқарорликни юзага келтириш, шу йўл орқали сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун оммавий тартибсизликлар уюштириш, жамоатчилик фикрини ўзига қаратиш ҳамда улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш каби усулларни қўлламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев «Ҳозирги вақтда дунёнинг турли минтақаларида янги кескинлик ўчоқлари пайдо бўлмоқда, миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршиликлар кучаймоқда, радикализм ва экстремизм хавфи тобора ортиб бормоқда. Мана шундай таҳликали шароитда биз барқарорлик ва хавфсизлигимизга зиён етказадиган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга кескин қарши туришимиз шарт» деб айтган эдилар[1]. Дарҳақиқат, ушбу халқаро муаммога қарши курашиш, унинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш жамият, давлат олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Экстремистик ташкилотлар томонидан шахсларни ёллашни тадқиқ этишдан аввал “экстремизм” сўзини таҳлил этиш, унинг тушунчасини моҳиятини тўлиқ англаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Замонавий академик тадқиқотларда “экстремизм” тушунчасини назарий таҳлил қилиш нафақат ҳуқуқ фанининг, балки уни амалиётда қўллашнинг асосий ва айни пайтда ноаниқ муаммоларидан биридир.

Экстремизм тушунчасининг мазмунини тўғри ва тўлиқ англаш учун унинг луғавий маъносини билиб олиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **экстремизм** (лот. *extremus* - энг охири; ўтакетган, ашаддий; кескин) бу сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йўл тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик деб таъриф берилган[2;29 б].



“Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасида Экстремизм - ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси деб таъриф берилган[3]. Ушбу моддада экстремизм учта босқичдан, яъни конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллаб, ваколатларини ўзлаштириш ва миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишдан иборат қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси эканлиги акс эттирилган.

Бироқ ушбу таърифда экстремизм сиёсат ва ҳокимият билан боғланиб, ҳокимиятга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки эгаллаш, адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатнинг ашаддий шакллари сифатида баҳоланган. Бироқ, «ҳаракатларнинг ашаддий шакллари» қандай намоён бўлиши аниқ баён этилмаган. Шунингдек, «ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси» айнан нимани қамраб олишининг ноаниқлиги, ҳар қандай ҳаракат зўравонлик ҳаракатини назарда тутмаса ҳам, уни экстремизм сифатида баҳоланишига олиб келиши мумкин.

Юридик адабиётларда экстремизм тушунчаси масаласида турлича ёндашувларни кўриш мумкин. Жумладан, К.А.Шермухаммедов ва Ж.А.Каримовлар «экстремизм (лотинча – «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») -жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатлар»ни англатишини [4;7-8 б], З.Исломов, Ш.Икрамовлар эса экстремизм - «жамият учун носоғлом, унинг тараққиётига зид бўлган, жамиятда, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларда беқарорлик келтириб чиқарадиган кескин чора ва фикрларни илгари сурувчи, уларни амалга оширишга интилувчи, уни ёқловчи»дир деб таъриф беришган[5;65 б]. Мазкур таърифларда экстремизмга бир томонлама жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид ҳар қандай ҳаракатлар экстремизм деб баҳоланиши мумкинлигини кўзда тутилган.

М.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмига берган шарҳида экстремизм - энг кескин қарашларга, борлиққа ишонч ҳисси (одатда, сиёсатда), “ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга - зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин” деб таъриф берган [6;701 б].

Шунингдек, Р.Альмеев ва Ф.Қосимовлар экстремизмга «конституциявий тузум асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузиш, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ва ижтимоий низо қўзғатиш, ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашлар маъносини англатади» деб таъриф берганлар [7;35б].



Қайд этиш лозимки, экстремистлар «демократия» ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик уруши ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар, қонунга риюя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга уринадилар, одамларни гижгижлайдилар ва бунда террор қилиш усулидан фойдаланадилар.

Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлса, диний экстремизмни бир қанча динларга, жумладан ислом, христианлик, буддизм каби динларга эътиқод қилишини даъво қилувчи турли оқимларда учратиш мумкин. Экстремизмнинг энг характерли белгиси унинг фавқулодда сиёсийлашувидир. М.Ражабованинг фикрларига кўра, экстремизм “кескин ҳаракат қилиш” деган луғавий маънони берса, истилоҳий маъноси “аҳоли орасида ўз ақийдавий фикрларини муросасизларча сингдиришга уриниш” дир. Унинг хавфли томони минг йиллардан бери халқимиз орасида амал қилиб келинаётган ақидавий аҳкомлар ва урф одат ва анъаналарни рад этиб, ўзларининг манфаатларига мос келувчи ақидаларини сингдиришларидир. Бундай бузуқ ақида эса мусулмонни “кофир”, давлатни “куфр давлати” ва бундай жамият “куфр жамияти” деган қарашларни сингдиришга қаратилгандир. Ақиданинг бундай тарзда бузилиши эса ҳақиқий мўминни кофирликда айблаб қонини тўкишга фатво беришга қаратилганлиги билан хавфлидир. Бундай қарашлар эса ўз навбатида терроризм каби ўта хавфли иллатга замин пайдо бўлишига сабаб бўлади [8;49б]. Ушбу таърифларда экстремизмнинг диний кўринишига асосий урғу берилиб, маъно ва моҳияти очиб берилган бўлсада, экстремизмнинг бошқа кўринишлари ёритиб берилмаганлиги боис мазкур таърифларга қисман қўшиламыз.

А.Г.Хлебушкиннинг сўзларига кўра, “экстремизм - бу ноқонуний фаолият бўлиб, уни амалга ошириш конституциявий тузум асосларига ёки шахслараро муносабатларнинг конституциявий асосларига жиддий зарар етказишга олиб келиши мумкин” деб таъриф берган [9;2б]. Ҳуқуқий нуқтаи назардан, Е.Р.Сергун экстремизмни “Конституциявий тузумининг асосий тамойилларига ва инсоннинг давлат томонидан қўриқланадиган демократик ҳуқуқ ва эркинликларига тоқат қилмасликка асосланган маълум қарашлар ва ғоялар тизимига содиқлик ҳамда бундай қарашларни жиноий воситалар орқали ҳақиқатга айлантиришга қаратилган фаолиятга ички тайёрлик” деб тавсифлайди [10;8 б].

И.А.Васюков томонидан таҳрирланган энсиклопедик луғатга кўра экстремизм - “экстремал чораларга, қарашларга (қоида тариқасида, сиёсатда) риюя қилиш” дир [11;622 б].

С.И.Ожегов экстремизмни (сиёсий) “ўз мақсадларига эришиш учун экстремал қарашларга содиқлик, экстремал чораларни қўллаш (шу жумладан террористик хужумлар ва гаровга олиш)” деб талқин қилади [12;340 б]. Шу билан бирга, Катта энциклопедик луғатда экстремизм “турли конфессиялар, сиёсий ташкилотлар ва экстравагант ижтимоий гуруҳларнинг ўта ақидапараст ва радикал ғоялари мафкураси, назарияси ва амалиёти” деб берилган [13;967 б].

Сиёсий энциклопедияда Г.Ю.Семигиннинг таъкидлашича, экстремизм “ғоя ва сиёсатда экстремал қарашлар ва ҳаракатларга содиқлик” деб талқин этилади [14;2б].



Таъкидлаш лозимки, қонунчиликда экстремизмга оид таърифлар етарли даражада аниқлаштирилмаганлиги, қонуннинг турлича талқин қилинишига ва ўзбошимчалик билан қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Немис олимлари А.Пфал-Траугбер ва Э.Жесси «экстремизмни конституциявий давлатда демократиянинг асосий тамойилларини йўқ қилишга қаратилган ҳодиса» – деб таърифлаган [15]. Аммо, «экстремизм» тушунчаси нафақат сиёсатга тегишли бўлиши мумкин, балки ушбу таъриф воқеликнинг маъносини қисман акс эттирган. Хусусан, мазкур таъриф диний соҳадаги экстремистик ҳаракатларни тўлиқ қамраб олмаган.

Колумбия университетининг Ҳамкорлик ва низоларни ҳал қилиш халқаро маркази ходим Питер Коулман ва Жорж Мэйсон университетининг Таҳлил ва можароларни ҳал қилиш институти мутахассиси Андреа Бартоли «экстремизм – бу мураккаб ҳодиса, гарчи унинг мураккаблигини кўриш қийин бўлса ҳам. Буни аниқлашнинг энг осон усули бу одатдагидан узоқ бўлган ҳатти-ҳаракатлар (эътиқодлар, муносабатлар, ҳиссиётлар, ҳаракатлар, стратегиялар) деб таърифлаш мумкин»лигини эътироф этган[16]. Мазкур таърифда ҳам экстремизм тушунчасига кенг таъриф берилиб, нафақат қарашлар балки қабул қилинган қоидалардан фарқ қилувчи ҳатти-ҳаракатлар ҳам киритилган.

Мазкур олимларнинг фикрларига кўра, экстремизмни аниқлашда кучлар тафовути ҳам муҳимдир, чунки можаролар вақтида кучсизроқ гуруҳ аъзоларининг ҳаракатлари кўпинча ўз статус-квосини ҳимоя қиладиган кучлироқ гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларидан кўра экстремалроқ бўлиб кўринади. Шунингдек, кучсизроқ гуруҳлар зўравонликнинг бевосита ва эпизодик шакллари (масалан, худкуш портлашлар) афзал кўради, ҳокимиятдаги гуруҳлар эса кўпроқ тузилган зўравонлик шакллари (масалан, қийноқлардан яширин фойдаланиш ёки полиция зўравонлигини норасмий равишда санкциялаш) афзал кўради.

Шу сабабли, «экстремизм» тушунчасининг пайдо бўлиш ва ривожланиши, бу борада хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш, ушбу тушунча таърифини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишни талаб этади.

Шунингдек, С.Н. Фридинский ҳам юқоридаги таърифга яқин таъриф бериб, «экстремистларнинг диссидентларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари кўпинча терроризм деб аталади»[17;26-276]. Мазкур таърифга асосан, экстремизм мазмунан терроризмга жуда яқин эканлигини кўриш мумкин, чунки террористик ҳаракатлар ёрдамида диссидентларга қарши қотиллик, қўрқитиш, одамларни даҳшатга соладиган ҳаракатлар содир этилади.

Юқоридаги таҳлил қилинган материалларга асосланиб, биз қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

– экстремизмга қарши курашиш соҳада бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, «экстремизм» тушунчаси сиёсатда, фанда ва қонунчиликда турлича характерга эга. Шунингдек, юридик адабиётларда экстремизмнинг моҳиятини, унинг субъекти, мақсади ва мотивларини тушунишда олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас;



– илмий жамоатчилик экстремизмни кенг ва тор маънода кўриб чиқиб, кенг маънода экстремизм «муайян мақсадларга эришиш учун кескин қарашларга асосланиш», тор маънода – «мухолифларни мағлуб этиш ва уларни йўқ қилишга қаратилган фаолият» сифатида таърифланади;

– таҳлиллар асосида экстремизмнинг қуйидаги белгиларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин: мурасасиз кескин қарашларга асосланиш ва уни жамиятда тарқатиш; мафкуравий, диний ёки сиёсий мақсадларга эришишни кўзлаш; зўравонликни қўллаб-қувватлаш ёки ундан фойдаланиш; белгиланган ҳуқуқий норма ва жамиятда қабул қилинган ахлоқ нормаларни қабул қилмаслик ёки улардан четга чиқиш; ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шаклдаги адоватни кўзғатиш; миллий хавфсизликка таҳдидларни келтириб чиқариш;

– «экстремизм» тушунчаси «терроризм» тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, ушбу тушунчалар ўртасидаги «чегара» шахс, гуруҳ ва ташкилотнинг фаол хатти-ҳаракатларидаги зўравонликни қўлланилишида намоён бўлади;

– экстремизм ўз мазмун - моҳиятига кўра, ҳар қандай кўринишда: у «кескин қараш» ёки «фаол ҳаракат» шаклида бўлсин, у конституциявий тузумга ва давлат хавфсизлигига бевосита таҳдидни келтириб чиқаради.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, экстремизм тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

*«**Экстремизм** – шахс ёки гуруҳнинг муайян ғоя (сиёсий, диний, миллатчилик ва ҳ.к.) атрофида изчил бирлашуви ва ушбу ғояни кескин, мурасасиз усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадини ифодаловчи ҳаракатлар йиғиндисидир».*

## References:

1. Ш.Мирзиёев. Қорақалпоғистон Республикасида содир бўлган оммавий тартиббузарликлар юзасидан ўтказилган йиғилишдаги нутқи. Ҳалқ сўзи газетаси, 2022. <https://xs.uz/uzkr/80668>
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 29-б. [https://n.ziyouz.com/books/uzbek\\_izohli\\_lugati/%20-%20E.pdf](https://n.ziyouz.com/books/uzbek_izohli_lugati/%20-%20E.pdf)
3. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент ш., 2018 йил 30 июль, ЎРҚ-489-сон
4. Шермуҳаммедов К.А., Каримов Ж.А. Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари // Ўқув қўлланма. – Т. 2018. – Б.7-8.
5. З.Исломов, Ш.Икрамов. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани // Ўқув-амалий қўлланма. –Т. 2015. – Б. 65.
6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. 2016. – Б. 701.
7. Р. В. Альмеев, Ф. Х. Касымов. В плену иллюзии: религиозный экстремизм — угроза миру и стабильности - Т.: Гафура Гуляма, 2004, - С. 35.
8. Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. док. дисс. автореф. – Т.: Ўзб.Респ.ИИВ Академияси, 2002. – Б. 49.



9. Хлебушкин А.Г. Публичные призывы к осуществлению действий, направленных на нарушение территориальной целостности Российской Федерации. М., 2010. С. 2.
10. Сергун Е.П. Экстремизм в российском уголовном праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тамбов, 2009. С. 8.
11. Словарь иностранных слов. Москва., 2001. 622-бет.
12. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка / под ред. Л.И. Скворцова. М., 2009. 340-бет.
13. Большой энциклопедический словарь: философия, социология, религия, эзотеризм, политэкономия / главн. науч. ред. и сост. С.Ю. Солодовников. Минск, 2002. С.967.
14. Г.Ю. Семигин. Политическая энциклопедия. М., 2000. Т. 2.
15. Armin P. Jahrbuch für Extremismus und Terrorismus forschung 2009/2010//[https://www.hsbund.de//2\\_Zentralbereich/Extremismus\\_Terrorismusforschung/band\\_03.pdf?\\_blob=publicationFile&v=3](https://www.hsbund.de//2_Zentralbereich/Extremismus_Terrorismusforschung/band_03.pdf?_blob=publicationFile&v=3).
16. Coleman P.T., Bartoli A. Addressing Extremism // [http://www.tc.columbia.edu/i/a/document\9386\\_White Paper\\_2\\_Extremism\\_030809.pdf](http://www.tc.columbia.edu/i/a/document\9386_White Paper_2_Extremism_030809.pdf).
17. Фридинский С.Н. Борьба с экстремизмом (уголовно-правовой и криминологический аспекты): автореферат. Ростов-н/д., 2003. – С. 26-27.